

## Қора дона (седана) - дардларга шифо



12:19 / 06.12.2018 13284

Арабча матнларда «ал-ҳабба ас-савдаа» номи ила зикр қилинган нарсани биз сўзма-сўз «қора дона» шаклида таржима қилдик. Чунки ушбу «қора дона» нима экани ҳақида уламоларимиз кўп тортишганлар. Кўпчилик унинг «шунбиз» номли қора рангли дона эканини таъкидлаган. Аслида у қорамтир яшил бўлар экан-у, лекин кўпчилик «қора» сифатини айтишга одатланган экан. У «қора зира», «ҳинд зираси» деб ҳам аталар экан. Бизда «седана» ҳам дейилади. Қадимги ҳадис шарҳи китобларида ва тиб китобларида бу нарсани қандай қилиб ишлатилса, қайси дардга даво бўлиши ҳақида саҳифа-саҳифа маълумотлар ёзилган. Бизнинг мақсадимиз бошқа бўлгани учун бу васфларни четлаб ўтаемиз.

لَا قَمَّ لَسَوِ هَيْ لَعُ هَل لَّ اِي لَصَّ ي بَّ ن ل ل ا نَعُ هُ نَعُ ه ل ل ا ي ض ر رَ هَ زِي رَه ي بَّ ا نَعُ  
ن ا خ ي ش ل ل ا ه ا و ر م ا س ل ل ا ا ل ا ا د ل ل ك ن م ا ف ش ا د و س ل ل ا ب خ ل ل ا ي ف



йўлиққан кишилар асал ичсалар, озор топадилар. Аллоҳ таоло «Асалда одамлар учун шифо бор», деган бўлса ҳам, унинг аксарият ҳоллардаги шифо бўлиши маъносида тушунилгандан кейин «қора дона»ни ҳам шунга яқин маънода тушуниш лозим», деган.

Бошқалар: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам давони хастанинг ҳолига қараб туриб васф қилар эдилар. У зотнинг «қора дона» ҳақида айтган гаплари маълум кишиларга тегишли бўлган», деганлар.

Ушбу фикрларни жамлаб, ҳаммаси ҳам тўғри фикр эканини тасдиқласак, яхши иш қилган бўламиз. Яна қўшимча равишда таъкидламоғимиз лозимки, ҳақиқатда, «қора дона» ўша вақтда, ўша муҳитда мавжуд бўлган кўплаб хасталикларга даво бўлганини табиблар тасдиқлаганлар. Ҳозирги замонда эса «Қуръон ва Суннатдаги илмий мўъжизалар ҳайъати» ҳаракати билан ўтказилган илмий баҳслар ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «қора дона» ҳақида айтган ҳадиси шарифлари тиббий мўъжиза эканини тасдиқлади. Бу ҳақида алоҳида китоб ҳам чоп этилди.

*“Қуръон ва Суннатдаги илмий мўъжизалар” китобидан*